



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/2**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фналар  
туркуми**

Бош мухаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош мухаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Нишонова О.Ж.** – ф.ф.д., проф.

**Абдуллаева Н.Б.** – ф.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Утамурадов А.** – ф.ф.н., проф.

**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.

**Мирзаахмедов К.М.** – с.ф.ф.д., PhD.

**Мухаммадова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Рахмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

<b>Alijonova G.</b> “Kutubi sitta” doirasida XIX-XX asrlarda amalga oshirilgan zamonaviy g’arb tadqiqotlari .....	4
<b>Алманов Қ.</b> XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркиби .....	7
<b>Орифжонова Г.</b> Ўзбекистон музейларининг экспозицион ривожи .....	12
<b>Усаров У.</b> XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти сурʼориш тизими.....	15
<b>Ҳайитов Ж.</b> Марказий Осиёда манзарали дараҳатлар янги навларининг тарқалиши тарихи ва экологик муаммаларни бартараф этишдаги ўрни .....	18
<b>Эралов А.</b> Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмининг ривожлантириш имкониятлари .....	21
<b>Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология</b>	
<b>Аббосхонова Н.</b> Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишининг назарий-хукукий асослари .....	24
<b>Абдурахманов У.</b> Кураш билан шугулланувчи талабаларнинг техник ҳаракат усусларининг педагогик таҳлили .	28
<b>Асанова Н.</b> Сравнительная характеристика показателей физической подготовленности высоквалифицированных бегуний на 400 метров с барьераами .....	32
<b>Beknazarov S., Qayumova G., Qahramanova X.</b> Ta’lim kredit-modul tizimining fractal pedagogika asosida zamonaviy axborot metodik ta’minoti mazmuni tahlili .....	36
<b>Ботирова Ш.</b> Основы организации сотрудничества между образовательными учреждениями через кластеры в Узбекистане .....	40
<b>Газиев Ш.</b> Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг тақомиллашуви.....	44
<b>Жабборов И.</b> Оиласда эр-хотин муносабатларида мутаносибликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик компонентлари .....	47
<b>Jaloliddinova M.</b> Intellektual mulk va uning qiymatini baholash xususiyatlari .....	50
<b>Jurayev M.</b> Til modeli asosida 1h-gramm dasturiy tizimining algoritmi asosida matn ma’lumotlarini boshqarish .....	53
<b>Зарипов О.</b> Электрон таълим мухитида интерактив таълим ресурсларини яратиш методикасини бошқариш моделлари .....	56
<b>Zoyirova D., Heller A.</b> Formation of the discursive competence of law students when teaching writing in a foreign language.....	59
<b>Ibragimova O.</b> Maktabgacha yoshdagи bolalarda ta’limni tashkil etishga psixologik moslashuvining kompleks xususiyatlari .....	62
<b>Исақулова Б.</b> Дидактик ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларни чет тилида мулоқот қилишдаги ўрни сифатида ..	65
<b>Исманова О.</b> Олий таълимда физикадан амалий машғулотларда мураккаб интегралларни сонли усулда ҳисоблаш .....	68
<b>Исраилова Д.</b> Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўрганишда эртакнинг ўрни ва аҳамияти .....	72
<b>Кабилов Н.</b> Ўзбек миллий кино санъати тараққиётида бадиийлик масалалари .....	75
<b>Каримова Н.</b> Сузиш машғулотлари орқали хотин-қизларни согломлаштириш ва жисмоний тайёргарлигини тақомиллаштириш технологияси .....	78
<b>Kasimaxunova A., Atajonova S.</b> Research of interdisciplinary relationships of physics and special objects of the specialty “mechatronics and robotics” .....	81
<b>Kuralov Y.</b> Bo‘lajak informatika o‘qituvchilarini tayyorlashda pedagogik ta’lim innovatsion klasteri usuli.....	85
<b>Kuchkarov U.</b> Muay-tay qadimda va bugungi kunda.....	88
<b>Qambarov A.</b> Issues of studying the content and structure of historical consciousness in modern Uzbekistan .....	91
<b>Кодиров М., Вохидов Э.</b> Физика фанини ўқитишида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар .....	94
<b>Қораева Ю.</b> Эгоизм тузилишини ўрганишдаги назарий қарашларнинг психологик таҳлили.....	98
<b>Мадрахимова Ф.</b> Олий таълим мұассасалари талабаларида медиасавдохонлик шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш асослари .....	101
<b>Маматқосимов Ж.</b> Ўқув спектакллари устида ишлаш орқали бўлажак режиссёрларнинг касбий компетенциясини тақомиллаштириш усуллари.....	104
<b>Маматқосимова Н.</b> Бўлажак маданият ходимларининг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришда беш мухим ташаббус тадқиқот объекти сифатида .....	108
<b>Mansurov M.</b> Umumta’lim maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltilish muammo va istiqbollari (Farg‘ona viloyati so‘rovnomda tahlillari asosida).....	112
<b>Мираҳмедов Ф.</b> Соглом турмуш тарзини болаларда шакллантиришда оила ва атроф мухитни аҳамияти .....	116
<b>Мирзаев Қ.</b> Болалар вокал-хор жамоасида овоз хусусиятлари ва имкониятларини тақомиллаштириш методикаси .....	118
<b>Mirzayev M., Shohimardonov J.</b> Ta’limda o‘quv fanlarining integratsiyalashtirilgan mazmuni .....	121
<b>Мирпўлатов Ҳ.</b> Миллий фестиваллар орқали маданий мерос намуналарининг тарғиботи (“Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали мисолида).....	124
<b>Nazarova D.</b> The effectiveness of cause and effect diagrams in teaching the aral sea problems .....	128
<b>Нариманов Қ.</b> Абу Райхон Беруний ва фрэнсис бэкон билимнинг ҳақиқатлиги мезонлари ҳақида .....	133
<b>Ниёзов С.</b> Табиат туризми тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили .....	137
<b>Нуритдинов А.</b> Спортчи тайёргарлигига илмий ёндашувнинг асосий йўналишлари .....	140
<b>Одилов Б.</b> Белбогли курашчилар билан олиб бориладиган анъанавий машғулотларда усулларни нокулай томондан кўллаш ва мувозанат сақлаш тургунлигини шакллантириш тажрибаси .....	143
<b>Пазилов А.</b> The role of virtual learning environment in the formation of linguistic competence .....	146
<b>Равшанов А.</b> Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳаси учун мұхандис-техник кадрлар тайёрлаш сиёсати.....	149
<b>Рахмонова Г.</b> Креатив ва ижодий тафаккур муаммосининг хорижий тадқиқотларда ўрганилиши .....	153

<b>Рашидова Г.</b> Театр санъати – маънавий-маърифий тарбия ва маданий юксалиш омили сифатида .....	156
<b>Сайдова С.</b> “Фатавой оламгирия” асарида меросга монеълик қиладиган ҳолатлар .....	160
<b>Сайдова С.</b> “Толерантлик” тушунчаси генезисининг айрим жиҳатлари .....	163
<b>Сейдабуллаева Н.</b> Жамиятда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш масаласи .....	166
<b>Suleymanova T., Yoqubova H.</b> Kichik maktab yoshida bola shaxsini shakllanishida o‘z o‘ziga baho berish darajasining ijtimoiy psixologik ahamiyati .....	169
<b>Umirov A.</b> Boshlang‘ich ta’limga zamonaviy axborot texnologiyalarini tatbiq etish tamoyillari .....	172
<b>Umurqulova D.</b> Zamonaviy tenisida oyoqlar kuchining ahamiyati va uni mashg‘ulotlar davomida tiklash zarurligi .....	175
<b>Файзиев З., Холмўминов Ф.</b> Ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда толерантлик хисининг моҳияти .....	178
<b>Фарафонтова О.</b> Метод дерматографики в спортивном отборе в практике подготовки спортивного резерва в единоборствах .....	181
<b>Хамирова Д.</b> Номоддий маданий мерос ва уларни саклаш масалалари .....	184
<b>Хафизова М.</b> Роль игровых интерактивных технологий обучения русскому языку в архитектурных ВУЗах .....	187
<b>Холиқулов Б.</b> Дастурий-услубий комплексдан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган методик таълим тизимини амалга ошириш .....	190
<b>Хақбердиев Б.</b> Мухандислик графикаси ва дизайн фанларини ўзаро интеграциялаш асосида талабаларни график ва бадиий-ижодий билим ва кўнимкамаларини такомиллаштириш .....	193
<b>Ширинова Ф.</b> Аralаш таълим мухитида тиббиёт-фармацевтика талабаларининг мустакил фаoliyatini ривожлантириш .....	197
<b>Shonazarov O.</b> Ta’lim muassasalari o‘quvchi-talabalarini tibbiy nazoratdan o‘tkazish .....	200
<b>Шопулатов А.</b> Ўзбекистонда спорт захирасини тайёрлаш тизимининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш .....	202
<b>Юсубов Ж. Бобомуродов Э.</b> Абу Наср Форобий таълимотида тарбия масаласи .....	205
<b>Yusupov I.</b> Xorijiy mamlakat va O‘zbekistonlik yuqori malakali bosqon uloqtruvchilarini yillik tayyorgarlik mashg‘ulotlari tahlili .....	208
<b>Юсупова М.</b> Создание в ташкенте театрального института .....	211
<b>Юсупова Н.</b> Феномен монтажа в экранном искусстве .....	215
<b>Ярманова Ю.</b> Жамоа муносабатлари асосида амалга ошуви ижтимоий-маданий адаптация жараёни .....	218
<b>Филология</b>	
<b>Алиева Э.</b> Парцеллированные и инпарцеллированные конструкции в современной русской лингвистике .....	221
<b>Асадов М.</b> “Ёлғизлик” мотивининг илмий-назарий, бадиий-тарихий талқинлари .....	226
<b>Атабоев А.</b> Ўзбек-инглиз тилида боғловчиларнинг прагматик хусусиятлари ва уларнинг таржимада ифодаланиши муаммолари .....	230
<b>Ахрапова Ф.</b> Таълим тизимида лугатларнинг ўрни .....	235
<b>Журакобилова Х.</b> Француз ва ўзбек тилларидаги ранг англатувчи фразеологик иборалар тадқики .....	238
<b>Камбарова М.</b> Семантические характеристики пословиц с базовой лексемой «человек» (английский, русский, узбекский, казахский языки) .....	242
<b>Kozimova Z.</b> Alisher Navoiy asarlarida tomosha san‘atiga aloqador tushunchalar tasnifiga doir .....	246
<b>Курбонов П. А.</b> Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» ва инглиз шоири Ж.Г. Байроннинг «Каин» драмаларида инсон ва олам муносабатларининг фалсафий-поэтик таҳлили .....	251
<b>Мамадијарова Ю.</b> Экфрасис феноменининг лингвистик таҳлили .....	255
<b>Mamatqulova T.</b> Alisher Navoiy asarlarida qo‘sishchilik san‘atiga oid terminlarning qo‘llanilishi .....	259
<b>Мустафаева С.</b> Мин даври романларида от туркum сўзларнинг лексик-морфологик параметрлари хусусида .....	263
<b>Ниязова Г.</b> Жаҳон тилшунослигига детектив асарларнинг лингвистик ўрганилиши .....	266
<b>Nurimova D.</b> O‘zbek antroponimlarining grammatic xususiyatlari (Ayollar ismlari misolida) .....	269
<b>Рахимова М.</b> Семантическое развитие слова .....	272
<b>Rahmatova F.</b> Mahdumi A’zamning hayoti va faoliyati .....	275
<b>Солиева С.</b> Дрон журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари .....	278
<b>Toshboyeva L.</b> The compiling principles of uzbek-english dictionary on tourism .....	281
<b>Уралов А.</b> Морфемалар тизимида агглютинация ва фузия муносабати .....	285
<b>Ўрмонова Н.</b> Ономастика ва таржима муаммолари .....	288
<b>Fayziyeva A.</b> Shaxsiy rivojlanishga oid asarlarning lingvistik xususiyatlari .....	292
<b>Xudayberganov G’.</b> Jorj Oruellning hayoti va dastlabki ijod davri .....	296
<b>Xudayberganova M.</b> Joan Ketlin roulining hayoti va dastlabki ijod yillari .....	299
<b>Шокирова Д.</b> Theoretical views on the concept of “property” in secular linguistics .....	302
<b>Эшонқуловса С.</b> “Мухаммас”да нола чеккан кўнгил торлари .....	304



**Жаҳонгир ҲАЙИТОВ,**

Бухоро давлат университети доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
Email: [jahongir.hayitov.89@mail.ru](mailto:jahongir.hayitov.89@mail.ru)

УзМУ профессори, т.ф.д. А. Ерметов тақризи асосида

## THE HISTORY OF THE DISTRIBUTION OF NEW TYPES OF DECORATIVE TREES IN CENTRAL ASIA AND ITS ROLE IN OVERCOMING ENVIRONMENTAL PROBLEMS

### Abstract

This article discusses the work carried out in the Republic of Uzbekistan to address the problem of climate change, which is one of the biggest environmental problems today, and new types of ornamental trees developed in recent history. The article also examines the work carried out within the framework of the Green Square initiative and its role in solving environmental problems.

**Key words:** vegetation, ecology, erosion, climate, climate change, green nature, drought, agriculture, agro-industry, forestry, ornamental tree, fruit tree.

## ИСТОРИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ НОВЫХ ВИДОВ ДЕКОРАТИВНЫХ ДЕРЕВЬЕВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И РОЛЬ ЕЁ В ПРЕОДОЛЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ

### Аннотация

В данной статье рассматривается работа, проводимая в Республике Узбекистан по решению проблемы изменения климата, которая на сегодняшний день является одной из самых больших экологических проблем, и новые виды декоративных деревьев освоенных в недавной истории. В статье также рассматривается работа, проводимая в рамках инициативы «Зеленый квадрат», и ее роль в решении экологических проблем.

**Ключевые слова:** растительность, экология, эрозия, климат, изменение климата, зеленая природа, засуха, сельское хозяйство, агропромышленность, лесное хозяйство, декоративное дерево, плодовое дерево.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҶАЛИШИ ТАРИХИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

### Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда энг катта экологик муаммолардан бири бўлган иқлим ўзгаришларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар ва ислохотларда якин тарихимизда ўлкага кириб келган манзарали дараҳт янги навлари, уларнинг иқлимлаштирилиши тарихий манбалар асосида очиб берилган. Шунингдек, “яшил майдон” ташаббуси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг экологик муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ҳақида мақолада атрофлича фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ўсимлик, экология, эрозия, иқлим, иқлим ўзгариши, яшил табиат, қурғоқчилик, қишлоқ хўжалиги, агросаноат, ўрмон хўжалиги, манзарали дараҳт, мевали дараҳт.

**Кириш.** Жаҳонда юз бераётган иқлим ўзгаришлари, экологик муммоловар, сув ва озиқ-овқат танқислиги дунё жамоатчилигининг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасининг тупрок-иқлим шароитини хисобга олган ҳолда экологик мұхитга мос ўсимликларнинг янги нав ва турларини етиширишда инновацион усуллар, истиқболли технологияларни жорий қилиш, тупрок эррозиясига қарши ўрмонлар барпо этиш, доривор ўсимликлар янги навларини яратиш, экологик муаммолар кучайган ҳозирги даврда қурғоқчилик, турли-туман касалликларга чидамли бўлган ўсимлик турларини танлаш ва майдонларини кенгайтириш долзарб бўлиб келмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш, бу борадаги тарихий тажрибалардан кенг фойдаланиш бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари иммий марказларида кизғин иммий изланишлар олиб борилмоқда.

Марказий Осиёнинг қулай иқлимий шароити, унумдор тупрокка эга эканлиги каби омиллар манзарали ва ўрмонбоп дараҳт янги навларини ўстириш, уларни тарқатиш ва районлаштиришга кенг йўл очади. Шу жиҳатдан караганда “яшил майдон”лар инсоният ва табиат учун ҳар доимигидан ҳам мухимрек аҳамият касб этади.

### -Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Ўзбекистон худудига янги экин навларини кириб келиши ва иқлим шароитларига мослашуви ҳақида аввало бирламчи манбаларда қимматли маълумотлар келтирилади. Хусусан мазкур мақолада, Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси раҳбари сифатида 1902 йилдан бошлаб фаолият юритган Р.Р. Шредернинг Ўзбекистон Миллий архивида шахсий материаллари Р-2284-фонда сақланмоқда[10]. Ушбу фондда ўлкада ўрмон хўжалигини йўлга кўйилиши хусусида қимматли маълумотлар сақланмоқда.

Шунингдек, “Туркистон тўплами” саҳифаларида XX аср дастлабки ўн йилларидан ўлкага кўчирилган русийзабон аҳоли билан бирга янги экин навлари, хусусан манзарали дараҳт янги навлари кириб келиши ҳақида бой маълумотлар келтирилади[1;2;4;5].

Манбаларда Туркистонга кўчирилган янги манзарали дараҳтлардан хўжалик буюмлари тайёрлашга ҳам ўтилгани, уларни кексайлан, қуриб колганларидан ёғоч-созлиқда фойдаланилиб, жумладан, дубдан бочка, темир йўл шполлари тайёрлашда, лиственницадан уларни пол килишида, Сибир кедридан, ёғоч токчалар, рус ёнғоғи кабилардан шётка ясашда кенг кўлланилган[5].

**-Тадқикот методологияси.** Кадимги замонлардан минтақасимизда ҳосил бермайдиган, курилишбоп ва ўтин

мақсадида ҳамда совукдан сақланишга қаратилган, ёхуд соя-салқинликни таъминлайдиган Шарқ чинори, терак, тол, гужум, тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўнлаб тур бутасимон дараҳтлар, саҳро ва чўлларда саксовул ва юлғун, рўён, давак, равоч кабилар мавжуд эди. Ушбу дараҳтлар уста хунармандлар томонидан ёғочсозлик соҳасида, қиши ойларидан танани иситиш учун ўтин сифатида ва табиий шароитдан келиб чиқиб уй ва турар жойлар куриш каби кўплаб мақсадларга хизмат килган. Хоразм “тужумлар мамлакати” номини олган бўлиб, ҳар бир хонадон олдидан ва ховузлар атрофида гужум дараҳтлари ўстирилган[9]. Ёнгок ва тут дараҳтларининг меваси истеъмол қилинса, улар танасидан уй хўжалиги жиҳозлари тайёрлаш ва қишида хонадонларни иситиша ўтин мақсадида ҳам фойдаланишган. Писта, ёнгок ва бодом дараҳтлари тоғли ҳудудларда ёввойи ҳолда ўсиб, аҳоли улар мевасини истеъмол қилиш ва сотиш мақсадида тўплаган.

Минтақанинг чўл ҳудудларида ва арик-каналлар бўйида, Амударё ва Сирдарё кирғокларида катта майдонларни саксовул, қамиш ҳамда юлғунзорлар эгаллаган. Россия империяси мустамлакаси даврида саксовул, юлғун каби бутасимон дараҳтлар туркман ва кирғизлар томонидан аёвсиз чопиб йўқотила-ётгани, уни саклаб колиши зарурлиги ҳакида манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Ўша давр манбаларидан бирида “Тошкент ва Ўрта Осиё темир йўли бўйида ҳар йили 1 млн пуд саксовул кесиб йўқотилмоқда. Туркистон генерал-губернатори саксовул билан уйларни иситишни таъкилаш тўғрисида қарор қабул қилди, тошкўмир билан уйларни иситишга ўтиб, мақсад гуллаб турган саксовулни саклаб қолишидир. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори генерал-майор Драгинни Сирдарё вилоятига юборди”, - деб ёзилади[1;6;2;].

**-Таҳлил ва натижалар.** Умуман дараҳтлар сифатига кўра юмшоқ ва қаттиқ дараҳтлар каби икки гурухга бўлинib, улар кўчатини иқлимлаштириш қишлоқ хўжалиги тажриба-синов майдонлари ва участкаларida олиб борилди. “Ҳаваскор боғбонлар” ҳам ўз хўжаликлирида игна баргли дараҳтлардан арча, айлантус, липа, ива, берёза, больха, шунингдек, қаттиқ дараҳтлар туркумiga кирган кленъ, дуб, ясень, рус ёнгоги, акация кабиларни иқлимлаштиришга киришдилар. Шундай шахслардан бири 1870-1917 йиллarda фаолият кўрсатган Г.Г. Оттендорф Фаргона шаҳрини кўкаламзорлаштириш ишларига бошчилик қилиб, 1877 йилда ташкил этган Марғилонсой кирғонидаги хусусий питомниги (кўчат-хонаси)да 1909 йилгача 240 минг кўчат парваришилади. У ўстириган кўчатлар орасида мевали дараҳтлар билан бирга шумтол, чинор, кайрағоч, акас, заранг, маклюра, бледичая, айлантус каби ўнлаб маҳаллий ва хориждан келтирилган манзарали дараҳтлар бор эди[7].

1908 йилда Даشت чўл (Голодная степь) тажрибасинов майдонида ёғоч ва иссиқлик манбаи бўлган дараҳт кўчатлари билан бирга, манзарали дараҳтларнинг Европа, Россия, Крим, Кавказ, ҳатто, АҚШ сингари чет эллардан келтирилган янги нав кўчатлари маҳаллий шароитга иқлимлаштирилган.

Юқорида кайд этилган йилда тажриба-синов майдонида 925 туп дараҳт кўчати ўтказилиб, 725 таси Россия марказидан келтирилган пирамидасимон ва кумуш ранг терак, 90 таси маҳаллий тут кўчати, 35 таси қайрағоч, 25 донаси Америка яснаси, 25 таси Америка акацияси, колганлари манзара берадиган адамово, акация, сиренъ, рус қайрағочи ва бошқалар эди. Уманский боғдорчилик билим юрти ва Гелмингер (Рига) боғбонлар жамиятидан келтирилган мевали дараҳтлар билан бирга, ўнлаб манзарали дараҳтлар, картошка ва карам сингари сабзавотлар, ўтсимон, бутасимон экинлар ҳамда гулларнинг уруғ ҳамда кўчатлари келтирилган. Манзарали дараҳтлар:

Катальпа, Гледичия, Америка ва Хитой ясени, Америка клени, Сосна, Ел, рус Арчаси, Аморфа, Айлантус, грек Ёнгоги, Ива кабилар бўлган[3]. Тошкент шаҳар марказидаги генерал-губернаторлик биноси олдида, Александр номли боғда, ҳарбийлар казармаси ва йигилиш биноси атрофида Фарб ва Шарқда машҳур бўлган Оқ акация, яшил, пирамидасимон, кумуш рангли терак, вяз, қайрағоч, оқ пояли берёза, плен, липа, Шарқ чинори, ҳатто, пальма дараҳтлари қад кўтариб турибди. Шаҳарнинг янги рус қисмida Москва, Черняевка, Соборная, Петербург, Скобелев мавзеларида Варшава лизинкаси, Флорентина қашинаси, Қора денгиз бўйи ва Кавказ ўрмонидан келтирилган дараҳтлар, Сингапур парк дараҳтлари, пирамидасимон кўринишдаги берёзлар қад кўтариб турибди. Рус шаҳри тўлалигича паркни эслатади. Тошкент Кохира (Миср) боғларини кўз олдимизда гавдалантиради”[4] - деб ёзилганди манбаларда.

Айтиш мумкинки, ўрмонлар мавжуд табиий ресурсларнинг салмокли қисмини эгаллаши билан бирга ўзига хос катта ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳам эгадир. Энг катта ва кимматли ресурслардан бири бўлган ўрмон фонди ерлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бугунти кунда 10566,3 минг гектарни ёки жами ер фондининг 25,2 фоизини ташкил этади. Мавжуд ўрмон фонди ерларидан 4043,9 минг гектари ўрмонзорлардан иборатдир[8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017-йил 11-майдаги ПФ-5041-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиши мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2017 йилдаги ПК-2966-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”[11]. 19.07.2017 йилдаги 530-сонли қарори Ўзбекистонда ўрмончилик хўжалигиги янги босқичга қадам қўяётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган ўрмон ва манзарали экин турларига тўхталар эканмиз рўйхатни узок давом этиришимизга тўғри келад. Чўлланиш, кум кўчиб қолишини олдини олиш учун яйлов ерлар ва чўл минтақаларида экиш ва кўпайтириш учун 1991 йилда давлат реестрига киритилган кора саксовулнинг “Нортя” нави юқоридаги табиий омилларга карши курашишда яхши натижа бермоқда[9]. Айниқса бу саксовул нави иссиқ ва совукқа бирдек чидамли эканлиги, сувсизликка чидамлилиги, ҳар кандай тупроқ шароитида ўса олиши ва мослашиши билан ажralиб туради.

Республикамиз ҳудудида сўнги йилларда ўрмон хўжалигини янги босқичга олиб чиқиши йўлидаги кўзланган мэрралар жуда катта, албатта.

Ўрмонзорларни ташкил этишда бутасимонлардан наматак, шиповник, бересклет, магония, шамшод, аморфа, япон бехиси кабилар давлат реестрига киритилган ва тизимли кўпайтирилмоқда. Япроқбәргли дараҳтлардан миrzатерак, кўк терак, Сўгдиёна шумтоли, хандон писта, мажнунтол каби маҳаллий навлар билан бирга Пенсилвания шумтоли, Гледичая, багрянник, япон софораси, акация, каталпа каби минтақамизга кириб келган ва ўлқада муофакиятли иқлимлаштирилган навлар кўпайтирилмоқда. Игна баргли дараҳтлардан Фарб арчаси (Туя западная), Шарқ туси, мовий қора арча, кипарис, Элдор қарагай, облонга, Казак арчаси, Крим қарагай, метасеквоя, можжевельник каби манзарали ва ўрмонбон навлар давлат рўйхатига киритилиб, химояга олинган[9].

Ҳозирда ушбу навларни асраб авайлаш, кўпайтириш, илмий тадқиқот институтларида уларни янги навларни яратиш устида катта ишлар олиб борилаётгани кишини курсанд киласди, албатта.

Хуллас, сувдан оқилона фойдаланиши таъминлаш, ўрмон хўжалигини худуд ва минтақалар кесимида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиши самарадорлигини ошириш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий этиш, ўрмончилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, экологик туризмни ривожлан-

тириш масалалари бугунги куннинг муҳим ва кечикириб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан ҳар биримиз экологик муаммоларга бефарқ бўлмаган ҳолда, табиатни асраш, уни келажак авлодларга тугал етказиш учун масъулмиз.

Бунинг учун эса яқин тарихимизда минтақага кириб келган ва икlimлаштирилган манзарали дарахт навлари ҳақидаги манбаларни таҳлил қилиб уларни содда, халқчил тилда китобхонларга етказиш биз тарихчи-ларнинг вазифасидир.

### АДАБИЁТЛАР

1. Истребление саксаула // Туркестанский сборник. – Том 465.
2. Лесничий А., Лукин. Амударынские кызыл-кумы // Туркестанский сборник. – Том 445.
3. Отчёты по Ахшабадской школе садоводства, огородничества, и пчелководства 1 – го разряде за 1897 год / Обзор Закаспийской области. – Ахшабад, 1898.
4. Очерки Ташкента (IV часть) // Туркестанский сборник. – Том I. Растительное царство и его богатства // Туркестанский сборник. – Том 441.
5. Саксауль // Туркестанский сборник. – Том 493.
6. Собиров Н., Эгамназаров А. Фаргона водийсининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Т.: “Фалсафа ва ҳуқук”, 2012.
7. Холиёров У., Носирова С. Ўрмон хўжалигида иктиносий тадқиқотларни ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги, Maxsus сон. 2019.
8. ЎзМА, И 103. фонд, 1 – рўйхат, 1052 – йигма жилд, 168 – варак.
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент–2019.
10. ЎзМА, Р-2284-фонд Р.Р.Шредернинг шахсий фонди.
11. <https://lex.uz/docs/-3281715>